

Кўча – йўл ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш
т.ф.н. доцент Худойбердиев А., магистрант Мадиев Ф.М.,
Юлдашева Ю.И., (СамДАҚИ).

Кейинги йилларда инсон ҳаётини автомобилсиз тасавур қилиб бўлмайди. Автомобил ишлаб чиқариш ривожланган сари унинг тезлиги ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса инсон ҳаёти учун мавжуд хавф хатарлардан ташқари қўшимча хавф хатарларни вужудга келтирмоқда. Шунинг учун кейинги йилларда автомобил ҳаракатини тартибга солиш билан бирга инсон ҳаёти учун хавфли бўлган салбий омиллар олди олинмоқда. Бунинг сабаблари автомобилларни сақлаш жойларини мавжуд эмаслиги, мавжуд автомобил сақлаш жойлари тор ва талаб даражасида эмаслиги транспорт ҳаракатларини кўп ва нотекис ҳаракатланиши сабабли пиёдалар ҳаракатини қийинлаштириш билан бирга айрим ҳолларда бахтсиз ходисаларга олиб келмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда аҳоли учун қулай хавфсиз ҳаракатланишни жорий қилиш учун махсус пиёдалар ўтиш жойлари ташкил қилиниши ва бу жойларни хавфсизлик белгилари билан таъминланиши зарурдир.

Пиёдалар йўл ҳаракатида алоҳида ўрин эгаллайди. Улар йўл ҳаракати қоидаларини мукамал билишлари ва уларга амал қилишлари реал йўл шароитларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга имкон яратади. Йўл ҳаракатини хавфсизлигини таъминлашда 2007 йил 29 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Автомобил йўллари” тўғрисидаги қонуни катта аҳамиятига эга. Қонун Ўзбекистон Республикасида автомобил йўлларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган бўлиб, 6 та боб ва 29 моддадан иборат.

Автомобил йўлларида инсонлар томонидан бошқариладиган турли хилдаги механик ва механик бўлмаган транспорт воситалари

харакатланаётган пиёдалар мажмуидан иборат тизими мавжуддир. Бу тизим эса йўл ҳаракати деб аталади. Хавфсиз ҳаракатни ташкил этишда транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тавсифловчи кўрсаткичларни тадқиқ қилиш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. Пиёдалар ҳаракатини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳам асосан ҳаракат миқдори тезлик ва зичлик орқали белгиланади. Пиёдаларнинг ҳаракат миқдори бу пиёдалар ҳаракат миқдори ўзгарувчан кўрсаткич бўлиб, у ойлар ҳафта кунлари ва сутка соатлари ичида йўналишлар бўйича ўзгариб туради ҳамда кўчанинг аҳамиятига боғлиқ. Йирик шаҳарларнинг марказий кўчаларида 5-6 минг пиёда/соат миқдорида кузатилса, туман кўчаларида эса 50-150 пиёда/соатни ташкил этади.

Иккинчи ўринда эса Россия давлати бўлиб, унда 34000 киши ҳар йили ҳаётдан кўз юмиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикасида йўл транспорт ҳаракатида жароҳатланганлар сонининг қатор йиллар ичида муқобиллашгани. Бундай ижобий натижаларга эришишнинг асосий омилларидан бири Республика Вазирлар Маҳкамаси қошида барча вазирликлар, уюшмалар, корпоратсия ва консернларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш олиб боровчи йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳайъатининг фаол иштирокида мураккаб ва долзарб масалаларнинг замон талабига мос равишда ҳал қилинишидир.

| Давлатлар | ЙТХ жами ҳалок бўлганлар сони (минг) | 100 минг аҳолига ЙТХ да ҳалок |
|-----------|--------------------------------------|-------------------------------|
| Россия | 34,00 | 23,70 |
| Бразилия | 34,00 | 18,24 |
| АҚШ | 43,44 | 14,69 |
| Австрия | 0,77 | 9,41 |
| Ҳиндистон | 94,97 | 8,79 |
| Австралия | 1,64 | 8,16 |
| Хитой | 98,74 | 7,56 |
| Дания | 0,33 | 6,07 |
| Япония | 6,87 | 5,39 |

| | | |
|--------|------|------|
| Англия | 3,20 | 5,29 |
|--------|------|------|

Автомобиллаштириш кўрсаткичига қараб ЙТХ да ҳар 100000 кишига тўғри келувчи ҳалок бўлувчилар тўғрисида таҳлил қилинганда автомобиллаштириш юқори бўлган давлатларга қараганда паст даражадаги автомобиллаштириш қайт этилган давлатларда ЙТХ да ҳалок бўлувчилар сони бир неча маротаба юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Бундай ҳолатнинг вужудга келишида асосан йўл ҳаракати қатнашчиларининг кам эътиборлиги ва қўпол равишда уларни бузишлари сабаб бўлади.

Кузатилган натижаларга кўра қуйидаги ўзгаришларни киритишни тавсия этамиз:

✓ Самарқанд туманидаги мавжуд транспорт воситалари қатнайдиغان автомобил йўллари кузатилганда транспорт воситаларининг ҳайдовчилари йўл ёқасининг дуч келган жойида тўхташлари, тўхтаб туришлари ҳамда йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг ҳайдовчилари йўловчиларни ҳоҳлаган эрда тушириши ва олиб кетиши кузатилди. Бунинг оқибатида салбий ҳолатлар юзага келмоқда. Транспорт воситаларини дуч келган эрда тўхташини олдини олиш мақсадида биз қуйидагиларни таклиф қиламиз: 1.4-тўхташ тақиқланган жойни билдиради чизиғи чизилган жойларда транспорт воситаларининг тўхтамаслигини таъминлаш керак; 1.17-белгиланган йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойлари ҳамда таксиларнинг тўхтаб туриш жойларини билдирадиган йўл чизиғи билан жихозлаш керак; йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг ҳайдовчилари 5.12-автобуслар тўхташ жойлари белгиси ўрнатилан бекатга тўхташи;

✓ Туман кўчаларида пиёдалар ўтиш жойи қолиб пиёдалар ҳоҳлаган эрларидан ҳаракатланиб келмоқда. Натижада пиёдалар иштирокида йўл транспорт ҳодисалари рўй бермоқда, буни олдини олиш мақсадида 5.16.1, 5.16.2-пиёдалар ўтиш жойида белгиланган пиёдалар ўтиш жойлари тайёрлаш ва пиёдалар ўтиш кўрсатилган йўл белгисини ва

йўл белги чизиғи ўрнатилиши ҳамда пиёдаларнинг тирбанд ҳаракатланиш жойлари (туман бозори ҳудуди)га эр ости пиёдалар ўтиш йўллари қурилиши керак;

✓ Самарқанд тумани бозор ҳудуди, транспорт воситалари тирбанд кўчаларини торлиги оқибатида транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қийинлашиб бормоқда. Транспорт воситаларининг ҳаракатини яхшилиш учун 6 қаторли ҳаракатланиш йўлига ва йўлнинг кенглигини 24 метрга айлантириш керак ҳамда уни чиройли манзарали кўчатлар ва йўл белги, йўл белги чизиқлари билан жиҳозлаш;

✓ Кўчанинг ўрта поласасидан ҳайдовчиларнинг тартибсиз ҳаракатланиши, йўл қатнов қисмининг дуч келган жойидан ҳаракатланиши, ҳайдовчиларнинг қатнов қисмидаги йўл белги чизиқларига амал қилмасликлари натижасида йўл транспорт ҳодислари рўй бермоқда ушбу ҳолатни олдини олиш мақсадида қатнов қисмидаги 1.3 –тўрт ундан ортиқ ҳаракатланиш бўлаги бўлган йўлларда қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситалари оқимини ажратувчи чизиқ ўрнига барер панжара деворларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади;

✓ Йўналишдаги таксиларнинг ҳайдовчилари ўзларига белгиланган жойда тўхташ ўрнига хоҳлаган йўл қатнов қисмида тўхтаб йўловчи тушириш ва олиб кетиши кузатилди. Таксиларнинг белгиланган бекатларда тўхташини таъминлаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов. Мамлакатимизни модернизатсия қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устивор мақсадимиздир. Тошкент-Ўзбекистон: 2010, 77 бет.

2. Қ.М.Сидикназаров умумий таҳрири остида таржима қилинган «Автомобиллар техник эксплуататсияси». Тошкент, Ворис-нашриёт: 2006, 630 бет.